

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2016 йил “30” июндаги
10-сонли қарорига ИЛОВА

Таълим статистикаси бўйича услубий низом

Ушбу Таълим статистикаси бўйича услубий низом (бундан кейинги ўринда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ҳолати ва ривожланиши тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва шакллантириш учун услубий асосни таъминлайди.

Низомнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ҳисобланади. Бунда, ушбу Низом халқаро стандартлар (ЮНЕСКО статистика институти (ЮСИ) томонидан тайёрланган “Таълимнинг халқаро стандарт таснифланиши” (ТХСТ 2011), “Таълим соҳалари ва касбий тайёргарлик” (ТХСТ-0 2013) ва “Расмий таълим ҳақида умумий маълумот бериш бўйича қўлланма”)га асосланган.

Низомда таълим соҳасида асосий тушунчалар, таърифлар, таснифлашлар, шунингдек, уларга асосланган статистик кўрсаткичлар тизими келтирилган. Мазкур Низом республика ва ҳудудий даражада давлат статистика идоралари томонидан амалда фойдаланиш учун мўлжалланган.

1. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га қўра “таълим” тушунчаси давлат сиёсатидаги таълим устиворликларини, узоқ келажакда унинг ривожланиш стратегияси ва асосий йўналишларини белгилайди. Уларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасида ягона ва узлуксиз таълим маконини сақлаб қолиш;
таълим стандартлари тизимини жорий этиш;
таълим даражаси ва босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш;
таълим дастурларининг хилма-хиллигини таъминлаш;

оммавий таълимни айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш билан уйғунлаштириш; иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш; уларга етакчи таълим муассасаларида, шу жумладан ривожланган хорижий мамлакатларда таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

таълимни инсонпарварлаштириш – ўқувчиларда тинчлик тўғрисида бутун тасаввурни, юксак маънавият, маданият ва кенг миқёсда фикрлашни шакллантириш;

таълимни миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан биргаликда ҳамоҳанг равишда олиб борилиши, ўзбек халқининг маданиятини сақлаши ва бойитиши, миллий ривожланишнинг муҳим инструменти сифатида тан олиниши, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат билдириши унинг оқилона йўналтирилганлигидир;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг оммабоплиги.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

таълим муассасалари ўқувчилари (талабалари) сони – ўқув йили бошида умумтаълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва олий таълим муассасаларида рўйхатда турган ўқувчилар сони. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари ўқувчиларининг (талабаларининг) умумий сонига Ўзбекистон Республикасида таълим олаётган чет эл фуқаролари қўшилмайди. Давлат статистика хисоботларида ўқувчилар (талабалар) сони тўғрисидаги маълумотлар ҳудудлар, таълим муассасалари турлари, мутахассисликларнинг тармоқ гуруҳлари, шаҳар ва қишлоқ жойлари, синфлар (курслар), жинси, ўқитиш тили ва ҳоказолар бўйича келтирилган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ўқувчиларининг умумий сонига ушбу таълим муассасаларининг тайёрлов синфларидаги ўқувчилар ҳам қўшилади;

ўқишга кириш учун назарий ёш – бу мазкур ёш учун мўлжалланган таълимнинг энг қуйи босқичидан ўқишни бошлаши назарда тутилган, ўқиш даври мобайнида тўлиқ кун ўқиб, иккинчи йилга қолмасдан ва қандайдир синфни/курсни ўтказиб юбормасдан мазкур курсда ўқишни тамомлайдиган маълум бир таълим дастури бўйича ёки таълимнинг маълум бир босқичида ўқувчилар ўқишни бошлайдиган ёш. Маълум бир дастур ёки таълим босқичи бўйича ўқишни бошлашнинг назарий ёши таълим олишнинг амалдаги ёшидан фарқ қилиши мумкинлигини инобатга олиш керак.

таълим муассасасига қабул – ушбу ўқув йилида биринчи йил ўқиш учун қабул қилинган шахслар сони кўрсаткичи. Қабул қилинганлар сонига иккинчи йилга қолдирилганлар ва илгари ўқиб қайтиб келган шахслар қўшилмайди;

таълим муассасалари битирувчилари – таълим муассасасида ўқув курсини тўлиқ тамомлаган ва муносиб таълим олган (мутахассисликка эга бўлган) шахслар сони;

педагогик ходимлар сони – олий ёки ўрта махсус тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан шуғулланаётган шахслар сони.

2. ТҲСТ 2011 га мувофиқ таълим даражалари

3. **Таълим даражаси** бу ўқув тажриба босқичларига мувофиқ равишда таълим дастурларини таснифловчи тартибга солинган тоифалар тўплами, шунингдек таълим дастури бериши назарда тутилган кўникма ва ваколатларидир. ТҲСТ бўйича таълим

даражаси ТҲСТ 2011 халқаро стандарт таснифига мувофиқ равишда аниқланадиган асосийдан то мураккабигача бўлган таълим дастурлари мазмунининг мураккаблик даражаси ва ихтисосликларини акс эттиради. Ўз навбатида, “таълим даражаси” ТҲСТ таълим даражасини яқунлаб янада юқори босқичларига ўтишга имкон беришини билдирувчи даража ва “тоифа ости” бўйича йўналишларини аниқлайдиган “тоифа”ни ўз ичига олади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси таълим тизими миллий стандартларига мос келувчи таълим даражалари келтирилган:

ТҲСТ 0 даражаси (мактабгача таълим) кичик ёшдаги болаларнинг билим олиши, жисмоний, ижтимоий ва ҳис-туйғуларининг ривожланиши учун комплекс ёндашув асосида ўқитиш ва таълим бериш фаолиятини, шунингдек кичик ёшдаги болаларни ўқув фаолиятига ва бошланғич таълим дастурлари бўйича ўқишга кириши учун тайёрлаш мақсадида уларни оила шароитидан ажралган ҳолда ташкиллаштирилган таълим бериш билан таништиришни назарда тутати;

ТҲСТ 1 даражаси (бошланғич таълим) асосан ўқиш, ёзиш ва математика (яъни саводхонлик ва ҳисоблаш)нинг асосий кўникмаларини ўргатишга, билимнинг асосий соҳаларини тушуниш ва ўрганиш учун, шахснинг ривожланиши учун, ўрта таълимнинг биринчи босқичида ўқишга тайёрлаш учун жиддий асос яратишга йўналтирилган ўқув ва таълим фаолиятини назарда тутати. Бунда ўқитиш, мураккаблиги жиҳатдан энг қуйи ихтисосликдаги таянч даражада таълим олишга йўналтирилган (агар шунақаси мавжуд бўлса);

ТҲСТ 2 даражаси (умумий ўрта таълим) одатда ТҲСТ 1 даражасининг ўқув натижаларига асосланган. Одатда таълим мақсади ҳар бир шахснинг бутун ҳаёти давомида ўқиши ва шахс сифатида ривожланиши учун асослар яратишдан иборат бўлиб, бу орқали таълим тизимларига келгусида таълим олиш учун имкониятларни кенгайтиришга йўл беради. Бу даражадаги дастурлар одатда кенг доирадаги масалалар бўйича назарий тушунчалар берган ҳолда аниқ бир фанга йўналтирилган ўқув режаси бўйича ташкиллаштирилади;

ТҲСТ 3 даражаси (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими) одатда олий таълимга тайёрлаш ёки иш топиш имкониятини берувчи кўникмаларга ўқитиш ёки уни ҳам, буни ҳам таъминловчи ўрта таълимни яқунлашга мўлжалланган. Бу даражадаги дастурлар ўрта таълимнинг биринчи босқичи (ТҲСТ 2 даражаси) дастурига нисбатан ўқувчиларга турли хил, ихтисослаштирилган ва фанларни чуқурлаштирилган даражада ўрганишни таклиф этади. Улар янада табақалаштирилган ва кенг қўламда танлов имкониятлари ва йўналишларини ҳавола қилади;

ТҲСТ 6 даражаси (олий таълимнинг биринчи босқичи «бакалаврият») таълимнинг ихтисослаштирилган соҳалари доирасида ўқитиш фаолиятини ташкиллаштириш орқали ўрта таълимга асосланади. Ушбу даража ўқувчилар томонидан биринчи босқични ёки шунга тенг малакани ўзлаштириш имконини берувчи

оралиқ академик ва/ёки касбий билимларни, кўникма ва ваколатларни олиш учун мўлжалланган.

ТҲСТ 7 даражаси (олий таълимнинг иккинчи босқичи «магистратура») ўқувчиларга кенгайтирилган академик ва/ёки касбий билимларни етказиб бериш, иккинчи босқични ёки унга тенг малакани ўзлаштириш имкониятини яратувчи кўникма ва ваколатларини ривожлантириш учун мўлжалланган. Бу даражадаги дастурлар муҳим тадқиқотга асосланган таркибга эга бўлиши мумкин, бироқ ҳали фан доктори малакасига етиш имкониятини бермайди. Олий таълимнинг узоқ муддатга мўлжалланган биринчи босқичи (5 йил ва ундан ортиқ муддатли бакалавриат) тор ихтисосли мутахассисликлар (тиббиёт, стоматология, ветеринария ва айрим ҳолларда юриспруденция ёки муҳандислик иши) магистрлик диссертацияси тайёрламаса ҳам мазкур даража доирасида кўрилади;

ТҲСТ 8 даражаси (олий ўқув юртидан кейинги таълим) – мазкур даражадаги дастурлар энг аввало илмий таъқиқотлар соҳасида, яъни чуқурлаштирилган ва мустақил тадқиқотларга бағишланган энг юқори малакага етказиш учун ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси миллий таълим дастурларининг ТҲСТ 2011 га мувофиқ таснифланиши 1-сонли иловада келтирилган.

3. Таълим бўйича кўрсаткичларнинг статистик ҳисоби

4. Таълим соҳасида юз бераётган миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодаловчи таълим кўрсаткичлари тизими таълимнинг ҳар бир босқичи бўйича таълим муассасалари сони, ўқувчилар контингенти, таълим муассасаларига қабул, битирувчи ўқувчилар (мутахассислар) сони, ўқитувчилар таркибининг миқдор ва сифат хусусиятлари, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумотлар олиш имконини беради.

5. Ўз навбатида статистика амалиётида таълим бўйича статистик маълумотларни шакллантириш учун ҳар йили қуйидагиларни амалга оширувчи муассасалар фаолияти кузатилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта (бошланғични қўшган ҳолда) таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

мактабдан ташқари таълим.

6. Мактабгача таълим бўйича йўналишларига қараб мактабгача таълим муассасалари сони, жинси ва ёши бўйича улардаги болалар сони, мавжуд ўринлари, педагог ходимлар таркиби ва мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базаси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Мактабгача таълим муассасалари мактабгача таълимнинг турли йўналишдаги умумтаълим дастурларини амалга оширади, 6-7 ёшгача болаларни парваришlash, қараш, соғломлаштириш, тарбияlash ва ўқитишни таъминлайди. Мактабгача таълим муассасалари йўналтирилганлигига мувофиқ равишда: умумий; ихтисослаштирилган – жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган тарбияланувчиларни биринчи навбатда малакали равишда тузатишни амалга ошириб ўрнини тўлдирувчи турдаги; санатор – биринчи навбатда санатор-гигиеник, профилактик ва соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ва муолажаларни амалга ошириб қаровчи ва соғломлаштирувчи турларга бўлинади.

Мактабгача таълим муассасалари сони – йил давомида 8 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ишловчи, мактаб ёшига етмаган тарбияланувчи болалар учун мўлжалланган доимий муассасалар сони.

Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони – йил охирига мактабгача таълим муассасаси рўйхатида бўлган мактабгача ёшдаги болалар сони, ундан ташқари мактабгача таълим муассасалари болаларининг умумий сонига фақат қисқа муддатли гуруҳларга қатновчи болалар ҳам қўшилади.

7. Умумий ўрта таълим бўйича умумтаълим муассасаларининг турлари бўйича сони, синфлари, ёши, жинси, таълим олиш тили, чет тилларни ўрганиши бўйича ушбу муассасаларнинг ўқувчилари сони, ўқувчиларнинг ҳаракатланиши, таълим олишнинг сменалилиги, ўқувчилар қабули ва битирувчилар, фанлар бўйича ўқитувчилар, АКТ воситалари билан таъминланганлиги, моддий-техника базаси ва шунга ўхшаш маълумотлар шакллантирилади.

Статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини таъминlash учун Ўзбекистон Республикасида мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида амал қилувчи давлат статистика кузатуви тизими статистик маълумотлари (давлат статистика ҳисоботини тўғридан тўғри статистика идораларига тақдим этувчи нодавлат мулк шаклига мансуб бўлган муассасалардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий идоралари орқали тақдим этилишини назарда тутлади.

Умумий ўрта таълим – бу 9 йиллик муддатга эга бўлган таълим тури (I-IX синфлар). Умумий ўрта таълим босқичлари ўз ичига бошланғич таълим (I-IV синфлар) ва умумий ўрта таълимни (V-IX синфларни) олади.

Умумий ўрта таълим зарур ҳажмдаги билимларни жойлаштиради, мустақил фикрlash кўникмаларини, ташкилотчилик қобилиятларини ва амалий тажрибаларини ривожлантиради, дастлабки касбий йўналишга эга бўлиш ва таълимнинг кейинги босқичини танlash учун ёрдам беради.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик асослари, билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган.

Умумтаълим муассасалари – бу болалар ва ёшларга таълим, ҳар томонлама ривожлантириш ва эстетик тарбия беришни амалга оширувчи муассасалардир. Умумтаълим муассасалари бир ёки бир неча таълим дастурлари асосида таълим

жараёнини амалга оширадilar. Умумтаълим муассасалари таълим бериш даражасидан келиб чиқиб турлари бўйича гуруҳланади: бошланғич, ўрта, мактаб-интернатлар, турли касалликларга чалинган болалар учун санатория туридаги мактаблар, жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар.

Умумтаълим муассасалари ўқувчилари сонидан бошланғич ва ўрта мактабларда ўқиётган шахслар, шунингдек жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган мактаблар ўқувчилари сони ҳам ҳисобга олинади.

8. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари) сони, касблари (йўналишлари), курслари, ўқитиш тиллари, ёши, жинси бўйича улардаги ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг ҳаракатланиши, қабул қилинган ва битирганлар сони, битирувчиларни ишга жойлаштириш, ходимларнинг педагогик таркиби, АКТ воситалари билан таъминланганлиги, моддий-техника базаси ва шунга ўхшашлар тўғрисида маълумотлар шаклланади.

Академик лицейлар ёки касб-хунар коллежлари танлаган касби бўйича ишлаш ёки кейинги босқичда таълимни давом эттириш ҳуқуқини беради ва бунинг учун асос бўлувчи ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради.

Академик лицей – ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятлари жадал ривожланишини, чуқур табақаланган ва касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминловчи уч йиллик ўрта махсус билим юрти.

Касб-хунар коллежи – ўқувчиларнинг касбий мойиллиги, маҳорати ва кўникмаларини чуқурлаштирилган даражада ривожлантиришни, танлаган касби бўйича бир ёки ундан ортиқ мутахассисликка эга бўлишини таъминловчи уч йиллик ўрта касб-хунар билим юрти.

9. Олий таълим бўйича олий таълим муассасалари, йўналишлари (мутахассисликлари), курслари, жинси, ёши, таълим бериш тиллари бўйича қабул қилинганлар, ўқувчи талабалар контингенти ва битирувчилар сони, битирувчиларнинг ишга жойлашиши, профессор-педагог ходимлар таркиби, АКТ воситалари билан таъминланганлиги, моддий-техника базаси ва шунга ўхшаш маълумотлар шакллантирилади.

Олий таълим икки босқичдан: бакалаврият ва магистратурадан иборат.

Бакалаврият – бу таълим олиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура – бу аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизидан камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

10. Олий таълимдан кейинги таълим бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтлари сони, уларда ўқиётганларни фан тармоқлари, ёши, жинси бўйича, катта илмий ходим-изланувчилар институтларига қабул қилинганлар ва битирувчилар,

шунингдек фан доктори даражасига эга бўлган мустақил изланувчи битирувчилар сони тўғрисидаги маълумотлар шаклланади.

Олий таълимдан кейинги таълим – жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун йўналтирилган. Олий таълимдан кейинги таълим олий таълим муассасаларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (катта илмий ходим-изланувчилар институтида) эгалланиши мумкин.

Катта илмий ходим-изланувчилар институти – олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар мутахассисликлари бўйича фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида, илмий изланишлар олиб бориш бўйича олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий таълимдан кейинги таълим шакли.

11. Мактабдан ташқари таълим бўйича турларига қараб мактабдан ташқари таълим муассасалари сони, тўғарақлар ва уларда қатнашувчилар сони, моддий-техника базаси, жинси ва таълим даражаси бўйича тақсимланган педагог ходимлари тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.

Мактабдан ташқари таълим – болаларнинг маданий-эстетик, илмий, техникавий ва спорт машғулотларига бўлган алоҳида эҳтиёжларини, уларнинг бўш вақтларида ташкиллаштириш йўли билан қондириш мақсадида эга.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига туман, шаҳар, вилоят, республика “Баркамол авлод” болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, соғломлаштириш оромгоҳлари ва бошқа муассасалар киради.

12. Ҳар бир таълим тури бўйича шаклланадиган статистик маълумотлар манбаи 2-сонли иловада келтирилган.

13. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича маълумотларни ишлаб чиқиш Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таснифлагичига ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичига асосан амалга оширилади

14. Статистик маълумотларнинг халқаро даражада солиштирувини таъминлаш мақсадида, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимга қабул қилинганлар, битирувчилар ва ўқувчилар (талабалар) тўғрисидаги маълумотлар 3-сонли иловада келтирилган “Таълим ва касбий тайёргарлик соҳалари (ТҲСТ – 0 2013)” таснифлагичига мувофиқ илмий соҳалар ва йўналишлар бўйича ишлаб чиқилади.

4. Таълим бўйича нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш

Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш – мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сонини 1-6 ёшдаги аҳоли сонига (6 ёшдаги

умумтаълим муассасаларида ўқиётганларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра икки ёшгача бўлган болалар аксарият ҳолларда онаси қаровида бўлиши сабабли статистика амалиётида 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача муассасалар билан қамраб олиш бўйича ҳисоблашлар қўлланилади. Бунда, ҳисоблаш худди 1-6 ёшдаги болалар учун бўлган ҳолат каби амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида 100 ўринга тўғри келадиган болалар сони – мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сонини улардаги ўринлар сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги ўринлар билан таъминланганлиги (1000 болага тўғри келадиган ўринлар) – мактабгача таълим муассасаларидаги ўринлар сонини 1-6 ёшдаги аҳоли сонига бўлиб 1000 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Умумтаълим муассасалари ўқувчиларини куни узайтирилган гуруҳлар билан қамраб олиш – куни узайтирилган гуруҳларга қатновчи ўқувчилар сонини умумтаълим муассасаларининг 1-9 синфлари ўқувчилари (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчиларисиз) сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Умумтаълим муассасалари синфларининг ўртача тўлдирилганлиги – маълум бир синф гуруҳларидаги ўқувчилар сонини ушбу синф гуруҳлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Умумтаълим муассасалари фаолиятининг сменалилиги. Умумтаълим муассасалари фаолиятининг сменалилик даражаси тўғрисидаги кўрсаткичлар биринчи, иккинчи, учинчи сменада ишловчи умумтаълим муассасалари улуши, шунингдек, биринчи, иккинчи ва учинчи сменаларда шуғулланувчи ўқувчилар сонининг улуши орқали намоён бўлади. Умумтаълим муассасалари фаолиятининг сменалилигини ҳисоблаш жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган мактабларсиз амалга оширилади.

Бир ўқувчига тўғри келадиган умумтаълим муассасаларининг синф хоналари майдони. Ўқув кабинетлари ва лабораторияларини қўшган ҳолда синф хоналари майдони тўғрисидаги маълумотлар биринчи сменада шуғулланувчи ҳисобланган ўқувчилар сонига (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактабларни ҳисобга олмаган ҳолда) бўлинади.

Умумтаълим муассасаларида битта ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони – 1-9 синфлар ўқувчилари сонини ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонига бўлиш орқали аниқланади.

Таълим муассасаларидаги олий маълумотли ўқитувчилар улуши – олий маълумотли ўқитувчилар сонини ўқитувчиларнинг (ўриндошларсиз) умумий сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Ўқитувчи-аёллар улуши – ўқитувчи аёллар сонини ўқитувчиларнинг (ўриндошларсиз) умумий сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

10 минг аҳолига нисбатан ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасалари ўқувчилари (талабалари) сони – ўқув йили бошида ўрта махсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасалари ўқувчилари (талабалари) сонини календар йили бошидаги аҳоли сонига бўлиб 10 000 га кўпайтириш орқали аниқланади.

10 минг аҳолига нисбатан ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасалари битирувчилари сони – ўрта махсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасалари битирувчилари сонини мазкур йилдаги ўртача аҳоли сонига бўлиб 10 000 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини бошланғич таълим билан қамраб олиш умумий коэффициенти (ТҲСТ 1 даражаси) – ёшидан қатъий назар умумтаълим муассасалари 1-4 синфлар ўқувчилари сонини 7-10 ёшдаги аҳоли сонига (ТҲСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 7-10 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини бошланғич таълим билан қамраб олиш соф коэффициенти (ТҲСТ 1 даражаси) – умумтаълим муассасаларининг 7-10 ёшдаги 1-4 синфлар ўқувчилари сонини 7-10 ёшдаги аҳоли сонига (ТҲСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 7-10 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини ўрта таълим билан қамраб олиш умумий коэффициенти (ТҲСТ 2 даражаси) – ёшидан қатъий назар умумтаълим муассасалари 5-9 синфлар ўқувчилари сонини 11-15 ёшдаги аҳоли сонига (ТҲСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 11-15 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини ўрта таълим билан қамраб олиш соф коэффициенти (ТҲСТ 2 даражаси) – умумтаълим муассасаларининг 11-15 ёшдаги 5-9 синфлар ўқувчилари сонини 11-15 ёшдаги аҳоли сонига (ТҲСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 11-15 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини ўрта махсус, касб-хунар таълими билан қамраб олиш умумий коэффициенти (ТҲСТ 3 даражаси) – ёшидан қатъий назар касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари сонини 16-18 ёшдаги аҳоли сонига (ТҲСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 16-18 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини ўрта махсус, касб-хунар таълими билан қамраб олиш соф коэффициенти (ТҲСТ 3 даражаси) – 16-18 ёшдаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари сонини 16-18 ёшдаги аҳоли сонига (ТҲСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 16-18 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини олий таълим билан қамраб олиш умумий коэффициенти (ТҲСТ 6 ва 7 даражаси) – ёшидан қатъий назар олий таълим муассасалари талабалари сонини

19-24 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 19-24 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Аҳолини олий таълим билан қамраб олиш соф коэффициенти (ТХСТ 6 ва 7 даражаси) – 19-24 ёшдаги олий таълим муассасалари талабалари сонини 19-24 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 19-24 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Олий таълим муассасаларида конкурси (100 ўринга берилган аризалар) - ўқишга кирганлар (қабул қилинганлар) сонини ариза берганлар (абитуриентлар) сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Бунда, ушбу кўрсаткич бакалаврият ва магистратура бўйича алоҳида ҳисобланади.

Таълимнинг маълум бир босқичи ёки босқичининг поғонасига биринчи марта кираётганлар – бу таълимнинг маълум бир босқичида ўзининг ўқишини биринчи марта бошлаётган ўқувчилар (талабалар). Биринчи марта кираётганлар сони биринчи синф/курс ўқувчилари сонига, агар ушбу тоифа ўз ичига иккинчи йилга қолдирилганларни қўшган бўлса тўғри келмаслиги мумкин.

Иккинчи йилга қолдирилганлар – бу бирор бир синфда / бирор бир курсда ўқув курсини такрорий равишда ўтаётган ўқувчилар (талабалар). Синф (курс) – бу бир ўқув йили муддатига тенг бўлган таълим олиш босқичи.

Таълимнинг янада юқори даражасига ўтиш – ўтган ўқув йилида аввалги таълим даври ёки даражасининг охириги синфида рўйхатга олинган ўқувчилар сонини таълимнинг маълум бир янада юқори цикли ёки даражасида биринчи синфга қабул қилинганлар сонига (мазкур синф ёки даражадаги иккинчи йилга қолдирилганлар сонини ҳисобга олиб ўзгартириш киритилган ҳолда) бўлиб 100 кўпайтириш орқали аниқланади.

16 (25) ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси – ТХСТ мезонларига мувофиқ равишда таълимнинг маълум даражасига етган 16 (25) ёш ва катта ёшдаги аҳоли сони ҳамда ҳеч қандай таълим даражасига эга бўлмаган, бироқ ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаган аҳоли сонининг йиғиндисини мазкур ёш гуруҳига кирувчи аҳолининг умумий сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

16 (25) ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг таълим даражаси – ТХСТ мезонларига мувофиқ равишда таълимнинг энг юқори даражасини эгаллаган 16 (25) ёш ва катта ёшдаги аҳолини фоизда тақсимланиши орқали аниқланади.

Аҳолининг саводхонлик ва таълим даражасини ҳисоблаш учун маълумотлар манбаи бўлиб, аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ҳисобланади ёки муқобил усул сифатида уй хўжаликлари кузатуви натижаларидан фойдаланиш мумкин.

Кутилаётган таълим олиш муддати – аҳолини таълим билан қамраб олиш бўйича амалдаги ёш коэффициентлари ўзгармаган тақдирда мактабга қатнаш учун

расман белгиланган ёшга етган боланинг таълимни ҳар бир босқичида ўқишга сарфлаши мумкин бўлган йиллари сони.

Кутилаётган таълим олиш муддати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$EYS = \sum_{i=a}^n \frac{E_i^t}{P_i^t}$$

EYS - кутилаётган таълим олиш муддати;

E_i^t - t ўқув йилида i ёшдаги ўқувчилар сони (бунда $i = a, a+1, \dots, n$); n таълим олишнинг назарий жиҳатдан юқори ёш чегарасини билдиради;

P_i^t - t ўқув йилида i ёшдаги аҳоли сони.

Кутилаётган таълим олиш муддатини ҳисоблашнинг шартли мисоли 4-сонли иловада келтирилган.

Ўртача таълим олиш муддати – ТҲСТ га мувофиқ аҳолининг таълим даражаси кўрсаткичига асосан ҳисобланиб, ҳар бир даражада олинган таълимнинг назарий муддатларига асосан таълим олинган йиллар сонига қайта ҳисобланган 25 ёш ва ундан катта ёшдаги шахсларнинг ҳаёти давомида таълим олган ўртача йиллари миқдори.

Ўртача таълим олиш муддати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$MYS = \sum_l HS_l \times YS_l$$

MYS – ўртача таълим олиш муддати;

HS_l - таълим даражаси энг юқори l даражасига етган $у$ ёш гуруҳидаги аҳолининг улуши;

YS_l - l таълим даражасининг расмий муддати расмий.

Ўртача таълим олиш муддатини ҳисоблашнинг шартли мисоли 5-сонли иловада келтирилган.

Фойдаланилган ёрдачи маълумотлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 29.08.1997 й. 464-І-сон.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни 29.08.1997 й. 463-І-сон.

ЮНЕСКО статистика институти томонидан 2013 йилда чоп этилган “Таълимнинг халқаро стандарт таснифланиши (ТХСТ 2011)”.


ЮНЕСКО статистика институти томонидан 2014 йилда чоп этилган “Таълим соҳаси ва касбий тайёргарлик (ТХСТ-0 2013)”.

ЮНЕСКО статистика институти томонидан 2016 йилда чоп этилган “Расмий таълим ҳақида умумий маълумот бериш бўйича қўлланма”.

Ўзбекистон Республикаси миллий таълим дастурларининг ТҲСТ 2011 га
мувофиқ таснифланиши

Ўзбекистон Республикаси
таълим тизим эквиваленти

ТҲСТ 2011 бўйича
Таълим даражаси ва туркум ости



Таълим бўйича статистик маълумотлар манбаи

Таълим турлари	Маълумотлар манбаи	Ким томондан тақдим этилади
Мактабгача таълим	1-ta'lim (MT) “Мактабгача таълим муассасасининг ҳисоботи” давлат статистика ҳисобот шакли	Мактабгача таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи муассасалар
Умумий ўрта таълим	2-ta'lim (UO'T) “Умумтаълим муассасасининг ҳисоботи” давлат статистика ҳисобот шакли	Умумий ўрта таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи муассасалар
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими	3-ta'lim (O'MKHT) “Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳисоботи” давлат статистика ҳисобот шакли	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида хизмат кўрсатувчи муассасалар
Олий таълим	4-ta'lim (OT) “Олий таълим муассасасининг ҳисоботи” давлат статистика ҳисобот шакли	Олий таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи муассасалар
Олий таълимдан кейинги таълим	1-fan “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарилиши ҳамда олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида ҳисобот” давлат статистика ҳисобот шакли	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш билан шуғулланаётган муассасалар
Мактабдан ташқари таълим	5-ta'lim (MTT) “Мактабдан ташқари таълим муассасасининг ҳисоботи” давлат статистика ҳисобот шакли	Мактабдан ташқари таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи муассасалар
	2-sport “Спорт таълими муассасалари бўйича ҳисобот” давлат статистика ҳисобот шакли	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (худудлар кесимидаги жамланма маълумотлар)
	Муסיқа ва санъат мактаблари фаолияти тўғрисида идораларнинг маълумотлари	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (худудлар кесимидаги жамланма маълумотлар)

Таълим ва касбий тайёргарлик соҳалари (ТҲСТ – 0 2013)

Фан соҳаси	Йўналиш
00. Умумий дастурлар ва малакалар	001. Таянч дастурлар ва малакалар 002. Саводхонлик ва санаш кўникмалари 003. Шахсий кўникмалар ва шахсинг ривожланиши
01. Таълим	011. Таълим
02. Санъат ва гуманитар фанлар	021. Санъат
	022. Гуманитар фанлар (тиллاردан ташқари)
	023. Тиллар
03. Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот	031. Ижтимоий ва и бихевиористик фанлар
	032. Журналистика ва ахборот
04. Бизнес, бошқарув ва ҳуқуқ	041. Бизнес ва бошқарув
	042. Ҳуқуқ
05. Табиий фанлар, математика ва статистика	051. Биологик ва аралаш фанлар
	052. Атроф олам
	053. Физикавий фанлар
	054. Математика ва статистика
06. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)	061. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)
07. Муҳандислик, қайта ишлаш ва қурилиш тармоқлари	071. Муҳандислик ва муҳандислик иши
	072. Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари
	073. Архитектура ва қурилиш
08. Қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги ва ветеринария	081. Қишлоқ хўжалиги
	082. Ўрмон хўжалиги
	083. Балиқчилик хўжалиги
	084. Ветеринария
09. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	091. Соғлиқни сақлаш
	092. Ижтимоий таъминот
10. Хизматлар	101. Хизмат кўрсатиш
	102. Ишлаб чиқаришда гигиена ва меҳнат муҳофазаси
	103. Хавфсизлик хизматлари
	104. Транспорт хизматлари

Кутилаётган таълим олиш даражасини ҳисоблашнинг шартли мисоли (йил)

Ўқувчиларнинг ёши, йил	Ўқув йили бошига ўқувчилар сони, киши	01.01 ҳолатига аҳоли сони, киши	Қамров коэффициенти
<i>i</i>	<i>E</i>	<i>P</i>	$EYS = E / P$
Таълим даражаси ТҲСТ 0			
3	114347	617856	0,185071
...
6	127185	639822	0,198782
Таълим олиш муддати ТҲСТ 0, йил			0,868979
Таълим даражаси ТҲСТ 1			
7	595680	601838	0,989769
...
10	498215	530639	0,938896
Таълим олиш муддати ТҲСТ 1, йил			3,912128
Таълим даражаси ТҲСТ 2			
11	480321	498533	0,963469
...
15	502989	529206	0,950460
Таълим олиш муддати ТҲСТ 2, йил			4,723490
Таълим даражаси ТҲСТ 3			
16	486727	534567	0,910507
...
18	461039	613692	0,751254
Таълим олиш муддати ТҲСТ 3, йил			2,524769
Таълим даражаси ТҲСТ 6, 7, 8			
19	87793	645817	0,135941
...
22	45164	660170	0,068413
...
24	26725	638097	0,041882
25-29	30151	3065601	0,009835
Таълим олиш муддати ТҲСТ 6,7,8, йил			0,440593

$$EYS = 0,868979 + 3,912128 + 4,723490 + 2,524769 + 0,440593 = 12,469959 \text{ йил}$$

Шундай қилиб, кутилаётган таълим олиш муддати 12,47 йилни ташкил этади.

Ўртача таълим олиш муддатини ҳисоблашнинг шартли мисоли (йил)

Таълим даражалари	Энг юқори таълим даражасига эга бўлган 25 ёш ва ундан катта аҳолининг улуши	Таълим олиш муддати, йил	Ўртача таълим олиш муддати, йил
<i>L</i>	<i>HS</i>	<i>YS</i>	<i>MYS= HS* YS</i>
Бошланғич таълим	0,001	4	0,004
Тўлиқсиз ўрта таълим	0,079	9	0,711
Тўлиқ ўрта таълим	0,370	11	4,070
Ўрта махсус, касб-хунар таълими	0,393	12	4,716
Олий таълим	0,157	18	2,826
Йиғиндиси (Σ)	1,000	x	12,327

Шундай қилиб, ўртача таълим олиш муддати 12,327 йилни ташкил этади.